

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 538-ҳадис

538 - **Амр ибн Тағлиб** ривоят қилинади: «**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга мол-дунё ёки асир келтирилган эди, баъзи кишиларга бериб, баъзи кишиларга бермадилар. Уларнинг норози бўлгани у зотга етиб келди. Бас у зот Аллоҳга ҳамд сўнгра сано айтиб: «Аммо баъд! Аллоҳга қасамки, мен (баъзан) бир кишини қўйиб, бир кишига бераман. Бермаганларим берганларимдан кўра мен учун суюклироқ. Айрим одамларга қалбларидаги чидамсизлик ва тоқатсизлик сабабли бераман. Айрим одамларни эса Аллоҳ уларнинг қалбига солиб қўйган беҳожатлик ва яхшиликка ташлаб қўяман. Амр ибн Тағлиб ўшалардан», дедилар.**

«**Амр ибн Тағлиб** ривоят қилинади: «**Аммо баъд!**»

1. Амр ибн Тағлиб розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга мол-дунё ёки асир келтирилган эди, баъзи кишиларга бериб, баъзи кишиларга бермадилар. Уларнинг норози бўлгани у зотга етиб келди. Бас у зот Аллоҳга ҳамд сўнгра сано айтиб: **«Аммо баъд! Аллоҳга қасамки, мен (баъзан) бир кишини қўйиб, бир кишига бераман. Бермаганларим берганларимдан кўра мен учун суюклироқ. Айрим одамларга қалбларидаги чидамсизлик ва тоқатсизлик сабабли бераман. Айрим одамларни эса Аллоҳ уларнинг қалбига солиб қўйган беҳожатлик ва яхшиликка ташлаб қўяман. Амр ибн Тағлиб ўшалардан»,** дедилар.

Амр ибн Тағлиб айтади: «Аллоҳга қасамки, менга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шу сўзлари ўрнига қизил туялар берилса ҳам, хоҳламасдим».

Имом Бухорий ривояти.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI